

## Янги ҳужжатли фильмлар тақдимоти

06 апрел 2015



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Ўзбеккино” Миллий агентлиги буюртмасига кўра суратга олинган “Агар, сен ҳақ бўлсанг” ва “Феномен “узбекской модели” (“Ўзбек модели” феномени”) номли ҳужжатли фильмлар тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А.Хўжаев ва бошқалар мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, фуқароларнинг ўз қизиқиш ва интилишларини рўёбга чиқариши, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш учун шароит яратиш, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

“Агар, сен ҳақ бўлсанг” фильмида юртимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилган ислохотлар, турли давлат органларига мурожаат қилган фуқароларнинг муаммоларини ҳал этиш бўйича изчил тизим яратилгани ҳақида ҳикоя қилинади.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий тизимини шакллантириш ва ривожлантиришга доир улкан ишлар амалга оширилди. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилган.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган ислохотлар, мамлакатимиз тараққиётини белгилаб берган, дунёда тан олинган “ўзбек модели” ва унинг самаралари ҳақида “Феномен “узбекской модели” фильмида сўз юритилади.

Машҳур беш тамойилга асосланган “ўзбек модели” давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, халқимизнинг давлатчилик тарихи, миллий-диний қадриятлари ҳамда жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Ушбу модель асосида мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш, қонун устуворлиги ва барча фуқаролар учун тенглик тамойили таъминланадиган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустаҳкам пойдевори яратилди. Бугун “ўзбек модели”нинг самаралари мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириш,

халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш борасида эришилаётган улкан ютуқ ва марраларда ўзининг амалий тасдиғини топмоқда.

Фильмда бозор иқтисодиёти даврида давлатимизнинг бош ислоҳотчилиги ва аҳолининг ижтимоий ҳимояси борасида олиб борилаётган улкан ишлар аниқ мисоллар билан тасвирланган.

**Нурилло Насриев, ЎЗА**